

Ҳ У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил октябрь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сардоба туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Ж.Турдимуратов,

Судья ёрдамчиси О.Абдиевнинг котиблигида, тарафлардан Сардоба туман прокурорининг ёрдамчиси А.Ташев, ҳимоячилар А.Икрамов ва Б.Қурбановларнинг иштирокида, [REDACTED]

[REDACTED] нисбатан бўлган [REDACTED] - сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: [REDACTED]

[REDACTED] - 1993 йил 26 март куни ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, ишсиз,

[REDACTED], жиноят иши бўйича 2021 йил 14 август куни “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2021 йил 12 август куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, айблов ҳулосаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандлари билан айбланган.

Судланувчи: [REDACTED]

[REDACTED] - 1998 йил 19 ноябрь куни туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, ишсиз, [REDACTED]

[REDACTED] жиноят иши бўйича 2021 йил 14 август куни “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2021 йил 12 август куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, айблов ҳулосаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандлари билан айбланган.

Суд, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб ва муҳокама қилиб, судланувчилар ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, шунингдек тарафларнинг музокара сўзлари ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] бир гуруҳ шахс бўлиб, олдиндан тил бириктириб, уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, анча миқдорда ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин



равишда талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатларда қасддан содир қилган.

Жумладан, судланувчилар [REDACTED] олдиндан тил бириктириб, 2021 йил 07 июнь кунидан 08 июнь кунига ўтар кечаси

[REDACTED] [REDACTED] худудида жойлашган атрофи темир ва ёғоч тўсиқлар билан ўралган қўрасига ғайриқонуний равишда кириб, қўранинг ичида бўлган [REDACTED] жами нархи 55.000.000 сўм бўлган 10 бош қорамолни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида, [REDACTED] ўғирланган 10 бош қорамолларини [REDACTED]

[REDACTED] топширганлиги аниқланиб, [REDACTED] бир бош қорамол далилий ашё тариқасида олинган.

Суд мажлисида сўралган судланувчи [REDACTED] ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дала майдонида, ўзига тегишли бўлган қўйларни боқиб билан шуғулланиб келишлиги, ушбу қўйларини боқиб юрган вақтида, бир неча бор дала майдонида ёғочдан ўралган қўрада молларни қаровсиз турганлигини кўрганлиги, ўша вақтда ушбу молларни кимга тегишли эканлигини билмаганлиги, [REDACTED]

[REDACTED] яхши танишлиги, унга нисбатан шахсий ёки бошқа адовати йўқлиги, 2021 йил июнь ойининг бошларида далада қўй боқиб ўтирган вақтида [REDACTED] унга ўзининг телефон рақамидан кўнғироқ қилиб, пул зарурлигини, анча жойдан қарз бўлиб кетганлигини айтганлиги, унга пули йўқлигини, айтганида, далада бирор жойда мол бор йўқлигини сўраганлиги, у [REDACTED] нима учун деб сўраганида, [REDACTED] ушбу молларни сотиб яхши пул қилиш мумкинлигини айтганлиги, шунда “қандай бўлади, ҳамма билиб қолиб, эртага жавобгарликка тортилиб кетмаймизми”-деб айтганлиги, [REDACTED] у ёғидан уйланмаслигини, молларни [REDACTED] бўласиникига жўнатишини, унга молларини автомашинага юклаб беришгача ёрдам берса бўлганлигини, қолганини ўзи ҳал қилишини айтганлиги, [REDACTED] у қўй боқаётган жойдан узоқ бўлмаган жойда қўрада моллар борлигини, ушбу молларни эгасини кўрмаганлигини айтганлиги, шундан сўнг яна бир неча бор телефонда гаплашганликлари, 2021 йил 07 июнь куни қўй боқаётган вақтида [REDACTED] унга телефон қилиб, бугун кечга боришини айтганлиги, шундан сўнг кечки вақт у чайлада 2006 йилда туғилган жияни [REDACTED] билан ўтирганида, шу куни соат тахминан 21:00 ларда [REDACTED] чайлага келганлиги, у ўша вақтда [REDACTED] “кетдикми” деб айтган вақтида, [REDACTED] “ҳали эрта яна озроқ кеч бўлсин борамиз” деганлиги, чайлада тахминан 23:00 га қадар ўтирганликлари, шундан сўнг қўранинг олдида кетганликлари, жияни [REDACTED] чайлада қолдирганлиги, лекин жияни [REDACTED] қаерга кетаётганлигини айтмаганлиги, шу билан [REDACTED] билан қўранинг олдида борганликлари, қўра ёғоч билан ўралган, ён атрофда ҳеч ким бўлмаганлиги, қўранинг эшиги ип билан боғланганлиги, қўранинг ипини [REDACTED] ўзи ечганлиги, [REDACTED] қўрага кириб, молларни ушлаб кўрганлиги ва молларни санаганлиги, [REDACTED] молларни санаб, 8 бош



қорамоллар бор эканлигини, ҳаммасини ҳайдаб кетишни айтганлиги, у “ҳаммасини қандай қилиб олиб кетамиз, иккитасини олиб кетмаймизми”- деганида, ██████████ “ҳамма молини олиб кетамиз, шундан сўнг бошқа бу ишни қилмаймиз”-деганлиги, бундан ташқари юклашга автомашина ҳам тайёрлигини айтганлиги, шундан сўнг молларни ҳаммасини кўрадан чиқарганликлари, молларни озроқ ҳайдаганларидан сўнг моллар қочиб кетганлиги, уларни дала майдонида йўқотиб қўйганликлари, кун қоронғу бўлганлиги сабабли бошида молларни топа олмаганликлари, охири молларни, даладан топганликлари, улар тўхтаб турганлиги, шундан сўнг молларни каналнинг устига чиқарганликлари, ўша ерда молларнинг сони 8 та эмас 10 дона эканлигини билганликлари, кичик бузоқларни иккитасини ҳисобламаганликлари, канал бўйлаб молларни ҳайдаб, 7а совхозига олиб борадиган канал бўйлаб ҳайдаганликлари, канал устида бир чўпон молларни боқаётганлиги, ўша чўпон уларни кўриб, уларга ўзининг фонарини ёққанлиги, унга эътибор бермасдан тез ҳайдаб кетганликлари, чўпон орқасидан бақириб қолганлиги, чўпон уларни кўрган ёки кўрмаганлигини билмаслиги, молларни катта каналга ҳайдаб чиққанларидан сўнг ██████████ телефонда бўласига телефон қилганлиги, лекин унинг бўласи телефони кўтармаганлиги, улар молларни ҳайдаб ██████████ маҳалласига етиб борганликлари, ██████████ ўша ерда таниши борлигини, молларни ўша ерга қўйиб туришини айтганлиги, яқин танишининг уйига етиб боришга оз қолган вақтида, ██████████ танишига ўзининг телефон рақамидан телефон қилиб, уйига бораётганлигини, кўчага чиқиб туришини айтганлиги, шундан сўнг унга нотаниш бўлган, ██████████ танишини уйига молларни ҳайдаб борганликлари, ██████████ таниши ██████████ “молларни қаердан олиб келаяпсизлар” деб сўраганлиги, ██████████ алдаб, уни кўрсатиб, моллар уники эканлигини, ██████████ эканлигини, фермер билан жанжаллашиб қолиб, молларни даласидан олиб чиқиб, ██████████ олиб кетаётганлигини айтганлиги, у ерда ██████████ аканинг дадаси ҳам бўлганлиги, ўша киши ундан “қайси фермерда боқаётган эдинг” деб сўраганлиги, унга таваккал “Олим аканинг фермерлигида” деб айтганлиги, шундан сўнг молларни усти ёпиқ бўлган молхонасига қамаганликлари, ██████████ жуда кўп марта бўласининг телефон рақамига кўнғироқ қилганлиги, лекин унинг бўласи телефони кўтармаганлиги, шундан сўнг ██████████ юклашга автомашина излашни бошлаганлиги, ██████████ юк автомашина чиқмагандан сўнг, ██████████ шаҳарчасидан автомашина изламоқчи бўлганликлари, шу сабабли у Нексия русумли автомашинаси бор бўлган ██████████ исмли танишини чақирганлиги, ██████████ келгунича ██████████ билан катта йўлга чиқиб турганликлари, ██████████ келгандан сўнг Пахтаобод шаҳарчасига борганликлари, у ерда излаб, “Исузу” русумли автомашинани топганликлари, “Исузу” русумли автомашина ҳайдовчиси билан ██████████ ўзи гаплашганлиги, ██████████ келишиб, бўлгандан сўнг “Исузу” русумли автомашинани Янгиқишлоқ маҳалласига олиб борганликлари, ██████████ катта йўлда қолдирганликлари, ██████████ иккаласи “Исузу” русумли



автомашинасида молларни қўрага ташлаб келган жойга борганликлари, у ерда иккаласи молларни юклаганликлари, сўнг [REDACTED] молларни ўзи [REDACTED] олиб кетганлигини, у эса [REDACTED] билан уйга қайтиб келганлиги, тахминан икки кун ўтгандан сўнг, ушбу ўғирлаган моллар [REDACTED] тегишли эканлигини эшитганлиги, [REDACTED] ҳам бу ҳақида айтганлиги, унга бир неча бор молни қайтариб олиб келиб далага қўйиб юбориш ҳақида айтганлиги, [REDACTED] “олиб келаман” деб, лекин олиб келмаганлиги, у [REDACTED] яна сўраган вақтида, бўласи молларни тоғнинг ичкарасида, ҳеч ким топа олмайдиган жойга олиб бориб чўпонга берганлигини айтганлиги, [REDACTED] “эртага ҳамма билиб, шарманда бўлмайлик” деб айтганлиги, [REDACTED] ҳаммаси жойида бўлишини ҳеч ким билмаслигини айтганлиги, шу орада [REDACTED] унга телефон қилиб, молларни олиб борган жойда профилактика инспекторлари бегона моллар келганлигини билиб қолганлигини, шунга бўласи уларга 500.000 сўмга чой берганлигини айтганлиги, [REDACTED] билан телефонда ҳар сафар гаплашиб, пул кераклигини, молларни сотган ёки сотмаганлигини сўраганлиги, [REDACTED] моллар ҳали сотилмаганлигини, сотилгандан сўнг пулларни беришини айтганлиги, бироз вақт ўтиб, [REDACTED] унга телефонда фото ва видеоларни кўрсатиб, учта мол ўлиб қолганлигини айтганлиги, ҳақиқатдан ҳам у кўрган видеода иккита хўкиз шишиб ўлиб ётганлиги, учинчи молнинг ўлиги қани деган вақтида, телефонида ўчиб кетганлигини айтганлиги, шундан сўнг у ҳар сафар моллар сотилган ёки сотилмаганлигини, пул кераклигини айтганлиги, лекин [REDACTED] ўзи бориб сотиб келишини, сотгандан сўнг пулларни беришини айтганлиги, охири марта [REDACTED] исмли таниши орқали молларни водийга чиқариб юборганлигини, пулни ўша [REDACTED] акадан олишини айтганлиги, лекин барибир пулларни бермаганлиги, ҳозирги кунда етказилган зарарни тўлиқ тўлаганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, етказилган зарарни қопланганлигини, оилавий шароитини, ёшлигини инobatга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган [REDACTED], ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, [REDACTED] яхши танишлиги, ундан муқаддам бир неча бор молларни сотиб олганлиги, бундан ташқари у билан бир неча бор ўтириб, бир бирлари билан яхши келишиб қолганликлари, 2021 йил июнь ойининг бошларида [REDACTED] унга телефон қилиб, 4 бош қўй борлигини шуни ўғирлашни айтганлиги, бир ҳафта ўтиб, унга далага келишини бир иш борлигини айтганлиги, у ўша вақтда далада мол боқиб юрганлиги, молни укасининг ўғлига ташлаб, [REDACTED] қўй боқаётган жойга борганлиги, у борган вақтида [REDACTED] жияни [REDACTED] билан ўтирганлиги, шу ерда бироз ўтирганликлари, ўша вақтда, [REDACTED] ўтирган қўрасидан узоқроқ жойда мол қўраси борлигини, шуни ўғирлашни, сотиб пулларни тенг бўлиб олишни айтганлиги, у рози бўлганлиги, шундан сўнг [REDACTED] бўласи билан гаплашганлигини, молларни олиб бораверишни айтганлиги, шундан сўнг соат тахминан 23:00 ларда йўлга чиқиб, [REDACTED] айтган қўранинг олдига



борганликлари, кўранинг олдида ҳеч ким бўлмаганлиги, шундан сўнг [REDACTED] ундан узоқроқ “жойда танишинг борми, молларни ўша жойга олиб бориб, юклаймиз” деб айтганлиги, шунда [REDACTED] маҳалласида [REDACTED] исмли таниши борлигини, ўша жойга олиб бориб, юклаши мумкинлигини айтганлиги, шундан сўнг [REDACTED] кўранинг эшигини очганлиги, у ичкарига кириб, молларни ҳайдаб чиққанлиги, шундан сўнг молларни канал бўйлаб, ҳайдаб кетганликлари, йўлда кетаётган вақтида қўй боқиб юрган чўпонни кўрганликлари, чўпон уларни кўрганлиги ва уларга қараб фонарь ёққанлиги, шундан сўнг [REDACTED] молни югуртириб, ҳайдаб кетганлиги, чўпон бақириб қолганлиги, у ердан узоқлашганликлари, [REDACTED] маҳалласига қараб молларни ҳайдаганликлари, [REDACTED] маҳалласидаги [REDACTED] уйига яқинлашиб келгандан сўнг, [REDACTED] акага телефон қилганлиги, [REDACTED] чиқиб тургандан сўнг, молларни кўрага қамаб туришини сўраганлиги, [REDACTED] “моллар кимники” деб сўраганлиги, [REDACTED] моллар [REDACTED] эканлигини, [REDACTED] эканлигини, фермер билан уришиб қолиб, молларни Бахмалга олиб кетаётганлигини айтганлиги, [REDACTED] шундан сўнг [REDACTED] қаерданлигини сўраганлиги, [REDACTED] деб айтганлиги ва иккаласи озроқ гаплашишганлиги, молларни [REDACTED] аканинг усти ёпиқ кўрасига қамаганликлари, шундан сўнг [REDACTED] телефон орқали Нексия русумли автомашина ҳайдовчиси [REDACTED] чақирганлиги, [REDACTED] келгунча, улар [REDACTED] катта йўлга чиқиб турганликлари, [REDACTED] молларни юклаш учун, [REDACTED] юк автомашинаси гаплашиб келишини айтганлиги, шундан сўнг биргаликда [REDACTED] борганликлари, у ерда “Исузу” русумли автомашина ҳайдовчисини топганликлари, ўша ерда [REDACTED] билан биргаликда ҳайдовчи билан савдолашганликлари, ҳайдовчи [REDACTED] молларни 700.000 сўмга олиб боришини айтганлиги, улар рози бўлганларидан сўнг “Исузу” русумли автомашинани гаплашиб яна [REDACTED] қайтиб келганликлари, “Исузу” русумли автомашинага барча молларни юклаганликлари, молларни юклаб бўлганларидан сўнг, йўлга чиққанлиги, [REDACTED] “бўлангдан қарз олиб тур, кейинчалик бориб молни сотиб қарзини қутуламиз” деб айтганлиги, у рози бўлганлиги ва “Исузу” русумли автомашинага ўтириб, [REDACTED], йўлда [REDACTED] бўласига телефон қилганлиги, [REDACTED] бўласига телефон қилиб, молларни олиб бораётганлигини айтганлиги, бўласи олиб келаверишини айтганлиги, [REDACTED] етиб борганларидан сўнг, [REDACTED] бўласи билан биргаликда молларни сойга туширганликлари, шундан сўнг бўласи [REDACTED] йўл кира бўлган 700.000 сўм пул ва чўпон пулини ҳам ўзи бериб туришини, битта молни сотиб, қутулишини айтганлиги, бўласи рози бўлганлиги ва ҳайдовчига йўл кира бўлган 700.000 сўм пул олганлиги, бундан ташқари бўласидан ўзи учун 100.000 сўм қарз олганлиги, шундан сўнг “Исузу” русумли юк автомашинасида уйга қайтиб келганлиги ва уйга кетганлиги, уйга келган вақтида [REDACTED] телефон қилиб, олиб бориб



ташлаганлигини сўраганлиги, унга олиб бориб ташлаганлигини айтганлиги, бироз вақт ўтиб, бўласи [REDACTED] бир бош молни сотаётганлигини, уни 2.500.000 сўм деяётганлигини айтганлиги, унга сотишини айтганлиги, шундан сўнг бўласи бир бош молни 2.500.000 сўмга сотганлиги, пулларни ўзида чўпон, йўл кира ҳақи учун олиб қолганлиги, бир ҳафта ўтгандан сўнг бўласи [REDACTED] унга қизил рангли хўкизчани қора сон касалидан ўлиб қолганлигини, айтиб унга видеони жўнатганлиги, буни [REDACTED] айтиб, видеони унга ташлаб берганлиги, бир неча кун ўтгандан сўнг бўласи [REDACTED] унга телефон қилиб яна бир хўкизчанинг ўлганлигини айтиб, унга расмини юборганлиги, бироз ўтиб, [REDACTED] бўласи тоғда моллар касалликдан қирилаётганлигини, ҳозир олиб келган 10 та молдан 5 мол қолганлигини айтганлиги, [REDACTED] бўласига “бўлмаса ўлган молларни расмини ташлаб беринг” деб айтганлиги, лекин бўласи ташлаб бермаганлиги, шундан сўнг у такси гаплашиб [REDACTED] борганлиги, [REDACTED] бўласи молларни чўпон узоқ жойга олиб кетганлигини, кўришини иложи йўқлигини айтганлиги, шундан сўнг у кутиб кутиб қайтиб келганлиги, бу ҳақида [REDACTED] айтганлиги, [REDACTED] “унда сен бориб, қолган молларни сот” деб айтганлиги, [REDACTED] бўласига телефон қилиб, молларни сотиш кераклигини айтганлиги, шунда [REDACTED] бўласи моллар иккита қолганлигини айтганлиги, қолган иккита молни сотиш учун борганлиги, бўласи моллар узоқдалигини айтиб, олиб келмаганлиги, шу вақтда у, бўласидан 5.500.000 сўм пул бериб туришини, қолган иккита молни сотиб қилиб беришини айтганлиги, шунда бўласи унга 5.500.000 сўм миқдорда пулларни берганлиги, уйга қайтиб келганлиги, сўнг [REDACTED] телефон қилиб моллар иккита қолганлигини айтганлиги, [REDACTED] билан кўришган вақтида молларни ҳаммасини топишини, жойига қўйиб қўйишини айтганлиги, шундан сўнг унга молларни топиб сотиб беришини айтганлиги, шундан сўнг [REDACTED] бир неча бор телефон қилиб, молларни пули нима бўлганлигини сўраб, дўқ пўпса қилаверганлиги сабабли, 7 бош қора молни водийга сотганлигини айтиб уни алдаганлиги, пулларни 15 кунда олишини айтганлиги, 15 кун ўтгандан сўнг пуллар берилмагандан сўнг, [REDACTED] телефон қилиб, нима бўлганлигини сўраганлиги, пуллар йўқлигини эшитгандан сўнг, ҳали кўрсатишини, ҳамма моллар унинг бўйнида қолиб кетишини айтганлиги, лекин ҳақиқатдан ҳам [REDACTED] бўласидан умуман мол учун пул олмаганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити ва иш бўйича етказилган зарар қопланганлигини инobatга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчилар [REDACTED] эълон қилинган айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсаларда, уларнинг айби суд томонидан ишни суд мажлисида муҳокама қилиш чоғида текширилиб, мақбул деб эътироф этилган қуйидаги далиллар билан, яъни:

Суд мажлисида сўралган **жабрланувчи** [REDACTED], ўзи [REDACTED] яшасада, қариндошлари Сардоба тумани Дўстлик маҳалласида яшашлиги, улар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишлиги, у ҳам даромад қилиш мақсадида 2021 йил июнь ойининг



бошларида ҳар бирининг нархи 4.000.000 сўмдан бўлган 2 бош хўкиз сотиб олганлиги, Гулистон шаҳрида хўкизларни боқиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, ушбу икки бош хўкизини амакиси [REDACTED] қорамолларига қўшганлиги, амакиси Шодибекнинг 4 та она бола сигирлари борлиги, (жами 8 дона сигир бузоқ билан) амакиси [REDACTED] ушбу 4 бош сигир ва 4 бош бузоғини Сардоба тумани, Юртдош маҳалласидаги темир ва ёғоч билан ўралган қўрада боқиб келганлиги, икки бош қорамолини қўшганлиги сабабли, молларни боқишга [REDACTED] акасига ёрдамлашиб туришлиги, 2021 йил 06 ва 07 июнь кунлари молларни у боққанлиги, 2021 йил 07 июнь куни молларни боқиб, соат тахминан 19:00 ларда молларни қўрага қамаганлиги, қўранинг эшигини пресс ип билан маҳкам боғлаганлиги, моллар қўрада боғланмасдан бўш туришлиги, молларни қўрага қамаган вақтида ён атрофда Жиззахлик чўпонлар ва Андижонлик пиёзчилар бўлганлиги, молларни қамаб, яшаш хонадонига кетганлиги, эртаси куни соат тахминан 06:00 ларда [REDACTED] акаси унга телефон қилиб, “молларни ҳайдаб чиқдингми”-деб сўраганлиги, у ҳайдаб чиқмаганлиги, ухлаб ётганлигини айтганлиги, акаси [REDACTED] моллар қўрада йўқлигини, қўрани эшиги ҳам катта очиқ эканлигини айтганлиги, у тезда далага етиб борганлиги, ҳақиқатдан ҳам моллар қўрада йўқлигини кўрганлиги, қўранинг олдида моллар ва молларни ҳайдаб кетган оёқ излари бўлганлиги, [REDACTED] акаси билан шу издан борганликлари, излар катта йўлга чиқиб йўқолганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимларига хабар берганликлари, кейинчалик унинг молларини [REDACTED] ўғирлаганлигини билганлиги, ўғрилик натижасида унга 8.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етганлиги, ҳозирги кунда [REDACTED] яқин қариндошлари унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан,

Суд мажлисида сўралган **жабрланувчи** [REDACTED], анча йиллардан буён яшаш хонадонига чорва моллари боқиш билан шуғулланиб келишлиги, чорва молларни асосан дала майдонида боқишлиги, ўзи чорва фермер хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлашлиги, ушбу чорва фермер хўжалиги дала майдонида ёғочдан сунъий қўра қилганлиги, молларни боқиб бўлгандан сўнг кечки ва кундуз вақтлари молларни ушбу қўрага қамаб қўйишлиги, кечки вақт молларни қўрага қамаб, ўша ерда қоровуллик қилиб ётишлиги, баъзи вақтларда эса қоровуллик қилмасдан, молларни қўрага қамаб яшаш хонадонига кетишлиги, лекин ўша вақтларда ҳеч қандай ўғрилик бўлмаганлиги, унинг 8 бош қора моли бўлганлиги, 8 бош қора молдан 4 боши сигир 4 боши бузоқ бўлганлиги 4 бош бузоқлари ҳали бир ёшга кирмаганлиги, сигирларининг 2 таси қизил оқ рангли, биттаси қизил, биттаси малла ранг бўлганлиги, орасида малла рангли сигирининг шоҳи йўқлиги, қолган сигирларининг шоҳлари бўлганлиги, бузоқлардан иккитасининг ранги қизил, биттасининг ранги оч сариқ, биттасининг ранги қора, фақат унинг пешанасида оқ қашқаси бўлганлиги, сигирларни бузоғи билан ҳисоблаганда ҳар бири бозор нархида 9.000.000 сўмдан эканлиги,



ушбу 8 бош қорамолларини ўғрилик содир бўлгунга қадар юқорида таъкидлаганидек қўрага қамаб қўйишлиги, охириги вақтда амаки укаси [REDACTED] унинг 8 бош қорамолига ўзининг 2 бош 2 ёшлардаги новвосни қўшганлиги, шундан укаси [REDACTED] билан жами 10 бош қорамолни боқишлиги, 2021 йил 07 июнь куни укаси [REDACTED] молларни боққанлиги, [REDACTED] ўша куни соат тахминан 19:00 ларда молларни қўрага қамаб, қўранинг оғзини маҳкам ип билан боғлаб, ўзи дам олиш учун уйга кетганлиги, қўранинг олдида ҳеч ким қолмаганлиги, эртаси куни яъни 2021 йил 08 июнь куни соат тахминан 05:00 ларда у дала майдонидаги қўрага борган вақтида қўранинг эшиги катта очик, ичида у ва укаси [REDACTED] 10 бош қора моли йўқлигини кўрганлиги ва тезда укаси [REDACTED] телефон қилиб уни чақирганлиги, [REDACTED] охириги марта молларни қўрага қамаганлигини, қўра эшигини боғлаганлигини айтганлиги, шундан сўнг [REDACTED] билан ён атрофни излаганликлари, лекин ҳеч қаердан топа олмаганликлари, демак молни ўғирлаб кетган деб ўйлаганликлари, сабаби агар мол қўрани бузганда албатта изи қолган бўлишлиги, лекин қўранинг ипи ечилганлиги, шундан сўнг ИИБ ҳодимларига хабар берганликлари, кейинчалик унинг молларини [REDACTED] ўғирлаганлигини билганлиги, ўғрилик натижасида унга 36.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етганлиги, ҳозирги кунда [REDACTED] яқин қариндошлари унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан,

Суд мажлисида сўралган гувоҳ [REDACTED], ўзига тегишли Нексия русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашинани бошқариб келишлиги, ушбу автомашинида бўш вақтларида киракашлик қилиб туришлиги, у билан бир маҳаллада яшовчи [REDACTED] яхши танишлиги, [REDACTED] унинг ўртоғи ҳисобланишлиги, 2021 йил 08 июнь куни соат тахминан 06:00 ларда ўртоғи [REDACTED] унга телефон қилиб, автомашинида уни Пахтаобод шаҳарчасидан олиб кетишини, бунинг учун пул беришини айтганлиги, шундан сўнг бошқарувидаги Нексия русумли автомашинида йўлга чиққанлиги, [REDACTED] маҳалласидан чиқишдаги катта чорраҳага чиқиб турганлиги, унинг олдида борган вақтида унинг олдида [REDACTED] маҳалласида яшовчи [REDACTED] ҳам бўлганлиги, [REDACTED] унга Пахтаобод шаҳарчасига бориб, юк автомашинаси гаплашиб келишини, ўша томонга ҳайдашини айтганлиги, у “юк автомашинаси нимага” деб сўраган вақтида [REDACTED] жиянининг моли борлигини, ушбу молни Бахмал туманига жўнатиши кераклигини айтганлиги, шундан сўнг уларни Пахтаобод шаҳарчасига олиб борганлиги, Пахтаобод шаҳарчасида улар унга нотаниш бўлган шахснинг “Исузу” русумли юк автомашинасини гаплашишганлиги, “Исузу” русумли юк автомашинаси билан бошқарувидаги автомашинида Янгиқишлоқ чорраҳасигача келганлиги, [REDACTED] “Исузу” русумли автомашинидага ўтириб, Янгиқишлоқ маҳалласига кириб кетганлиги, у эса ўша ерда уларни кутганлиги, [REDACTED] бир соатлардан сўнг



молларни “Исузу” юк автомашинасига юклаб чиқишганлиги, шунда Сардор унга Дўстлик маҳалласига ўтиб келишни, чўпони телефон қилганлигини, моли касал бўлиб қолганлигини айтганлиги, шунда уларга “бориб келганига ҳам қўшиб тўлайсизлар” деб айтганлиги, улар рози бўлганлиги, шундан сўнг у [REDACTED] маҳалласига олиб бориб келганлиги, ҳақиқатдан ҳам [REDACTED] далага бориб, молини кўрганлиги, даладаги моли ўлиб қолганлиги, шундан сўнг яна автомашинада орқага моллар юкланган “Исузу” русумли автомашинанинг олдига қайтиб келганликлари, Сардор “Исузу” русумли автомашинага ўтириб, молларни Бахмалга олиб кетганлиги, у [REDACTED] уйига қайтариб олиб келганлиги, [REDACTED] йўл кира пулини беришини сўраганида, [REDACTED] бир икки кун ичида пулларни қилиб беришини айтганлиги, шундан сўнг ўзи ҳам уйига кетганлиги, бир неча кун ўтгандан сўнг маҳаллада [REDACTED] аканинг моллари ўғирланганлигини эшитганлиги, шундан сўнг [REDACTED] аканинг моллари ўғирланибди, кеча “Исузу”га юкланган моллар [REDACTED] аканики эмасми” деб сўраганлиги, [REDACTED] “йўқ, ушбу моллари [REDACTED] жияниники” деб айтганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан,

Суд мажлисида сўралган гувоҳ [REDACTED], Сардоба тумани Дўстлик маҳалласида яшовчи [REDACTED] ака унинг таниши бўлишлиги, 2020 йил май ойида сув омбори ўпирилиб, уларнинг яшаш хонадонини сув босган вақтида [REDACTED] молларини қиши билан боқиб берганлиги, [REDACTED] билан унинг яшаш хонадонига келиб туришлиги, аниқ вақтини эслай олмаслиги, 2021 йил июнь ойининг бошларида соат тахминан 04:00 ларда [REDACTED] унга телефон қилиб, “ака кўчага чиқинг мол олиб келдим” деганлиги, у отаси билан биргаликда кўчага чиққанлиги, ҳақиқатдан ҳам [REDACTED] ўзининг ёнида унга нотаниш бўлган бир бола билан аниқ сонини билмаслиги 8-10 бош қорамолни ҳайдаб келганлиги, [REDACTED] ушбу молларни қаердан ҳайдаб келаётганлигини сўраганлиги, [REDACTED] ушбу моллар ёнидаги танишиники эканлигини, ушбу таниши Жиззах вилояти Бахмал туманидан эканлигини, даласида боқиб юрган фермер билан келишмай қолганлиги, шу сабабли молларни Бахмалга олиб кетмоқчилигини, шунга моллар олиб кетгунча шу ерда туриб туришини сўраганлиги, [REDACTED] “моллар ўғирланмаганми”-деб сўраганлиги, [REDACTED] моллар ўғирланмаганлигини айтганлиги, шундан сўнг молларни ташқаридаги қўрага қамаганлиги ва ўзлари молларни юклаш учун автомашина излаб кетишганлиги, [REDACTED] ўша кун соат тахминан 07:00 ларда унга нотаниш бўлган “Исузу” русумли юк автомашинасини олиб келишганлиги, у ташқарида йўл таъмирлаш ишларини олиб бораётган шахсларга лотокларни суришга ёрдам бераётганлиги, [REDACTED] ёнидаги шериги билан молларни автомашинага юклаб, унинг хонадонидан олиб кетганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан,

шунингдек, жиноят ишидаги билдиргилар (и.в. 5,7), жабрланувчи [REDACTED] аризаси (и.в. 8), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотосуратлар (и.в. 16-23), шахсни таниб олиш учун



кўрсатиш баённомаси, фотосуратлар (и.в. 82-86), тақдим қилинган нарсани олиш ҳақидаги баённома (и.в. 118), юзлаштириш баённомалари (и.в. 119-131), ашёвий далилни олиш ҳамда кўздан кечириш ҳақидаги баённома (и.в. 132-133), гумон қилинувчи [REDACTED] кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённома (и.в. 140-143), гумон қилинувчи [REDACTED] кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённома (и.в. 144-147), нарсани кўздан кечириш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги баённома (и.в. 181-184), нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённома (и.в. 185-187) ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчилар [REDACTED] томонидан содир қилинган жиноий ҳаракатининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан уларнинг 2021 йил 7 июнь кунидан 8 июнь кунига ўтар кечаси жабрланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] жами нархи 55.000.000 сўмлик 10 бош қорамолларини яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини содир этганликда ифодаланган жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандлари билан тўғри ва асосли квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, юқоридаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида қамоқда ўтирган кунларини тайинланадиган жазодан чегириб ташлашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залидан озод қилишни,

судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини жазони енгиллаштирувчи



ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, юқоридаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида дастлабки қамоқда ўтирган кунларини тайинланадиган жазодан чегириб ташлашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залидан озод қилишни,

Судланувчилар

солидар тартибда фуқаровий даъвогар фойдасига 3.000.000 сўм ундиришни лозим топади.

Бундан ташқари суд, жабрланувчилар етказилган зарарни қопланган деб ҳисоблашни ва ишга илова қилинган 2 дона ДВД дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига риоя қилган ҳолда, суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М:

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан судланувчи 2021 йил 12 август кунидан 2021 йил 26 октябрь кунига қадар қамоқда ўтирган 2 ой 14 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, яқуний ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизи



давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 4 (тўрт) ой 18 (ўн саккиз) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазони ижро этувчи орган белгилаб берадиган жойда ўтаттирилсин, жазони ижроси Сардоба туман ИИБга юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан судланувчи [REDACTED] 2021 йил 12 август кунидан 2021 йил 26 октябрь кунига қадар қамоқда ўтирган 2 ой 14 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, якуний ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 4 (тўрт) ой 18 (ўн саккиз) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазони ижро этувчи орган белгилаб берадиган жойда ўтаттирилсин, жазони ижроси Сардоба туман ИИБга юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Жабрланувчилар [REDACTED] етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инobatга олинсин.

Судланувчилар [REDACTED] солидар тартибда фуқаровий даъвогар [REDACTED] фойдасига 3.000.000 сўм ундирилсин.

Ишга илова қилинган 2 дона ДВД дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар – судланувчилар, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нухасини олган кундан, бошқа тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилишга ҳамда протест келтиришга ҳақлидирлар.

Ҳукм алоҳида хонада “асер” компютерида ёзилди.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ж.Н.Турдимуратов

“Ҳукм нухаси аслига тўғри”

Ж.Н.Турдимуратов

